

Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича ХУЛОСА

I. Умумий маълумотлар

Хулоса Адлия вазирлигида 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатга олинган Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси асосида тайёрланди.

1. Лойиҳани тақдим этувчи орган номи:

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги

2. Лойиҳанинг номи ва тури:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларининг ташқи савдо фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони лойиҳаси.

3. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун асос:

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 2020 йил 2 сентябрдаги 02-19-3-09978-сон хатида мазкур Фармон лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У.Умурзаковнинг 2020 йил 22 августдаги 24/1-1111-сон топшириғига асосан ишлаб чиқилганлиги кўрсатилган.

4. Лойиҳанинг қисқача мазмуни:

“Uzintertrade” акциядорлик жамияти шаклидаги ташқи савдо компаниясини ташкил этиш.

II. Тадбиркорлик субъектларининг асосий гуруҳлари бошқа масъул шахслар ҳамда таклиф этилаётган ҳужжатда давлат органларининг манфаатларига доир масалалар тартибга солинадиган маълумотлар

5. Ҳужжат билан манфаатлари назарда тутилаётган гуруҳ иштирокчиларининг таснифи:

тадбиркорлик субъектлари гуруҳлари – Экспорт ва импорт фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлар, “Uztrade” АЖ, “Uzsanoatexport” АЖ, “Ўзбекинвест ЭИСК”, “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ, “Асака” АТБ, устав фонди (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар ёки устав фонди (капитали)нинг 50 фоизи ва ундан ортиғи 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улушига эга юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахслар, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентлари, шу жумладан халқаро молия институтлари ва хорижий компаниялар.

давлат органлари гуруҳи – Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк, Ўзбекистон

Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги, бошқа вазирлик ва идоралар.

бошқа иштирокчилар гуруҳи муносабатлари – Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси.

6. Янги ёки амалдаги функцияларга киритилаётган ўзгартиришлар, ваколатлар, мажбуриятлар, имтиёзлар, преференциялар, давлат органлари ҳуқуқлари ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисида, шунингдек, киритилилаётган чекловлар бўйича ҳамда бошқа маълумотлар:

6.1. Фармон лойиҳасининг 1-бандида “Uzintertrade” акциядорлик жамияти шаклидаги ташқи савдо компанияси ташкил этилиши назарда тутилган.

6.2. Фармон лойиҳасининг 2-бандида “Uzintertrade” АЖга қуйидаги ҳуқуқлар берилиши кўзда тутилган:

– устав фонди (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар ёки устав фонди (капитали)нинг 50 фоизи ва ундан ортиғи 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улушига эга юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахслар томонидан ишлаб чиқариладиган юқори ликвидли ва монопол маҳсулотларни экспорт қилиш;

– маҳаллий тадбиркорлик субъектларининг маҳсулотларини, жумладан, товар ҳом-ашё биржасига экспорт қилиш учун қўйилган барча турдаги маҳсулотларни келгусида тўлиқ экспорт қилиш шарти билан хорижий валютада, қўшилган қиймат солиғисиз сотиб олиш.

6.3. Фармон лойиҳасининг 3-бандида синов тариқасида 2023 йилнинг 1 январига қадар ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахсларга ўзи етиштирган (ясаган) ёки улгуржи сотиб олган мева-сабзавот (хунармандчилик) маҳсулотлар экспортини (ташқи бозорларда сотиш учун) “Uzintertrade” АЖнинг воситачилик хизматларидан фойдаланган ҳолда ташкил этишга рухсат берилиши кўзда тутилган.

6.4. Фармон лойиҳасининг 5-бандида “Uztrade” ва “Uzsanoatexport” акциядорлик жамиятларини тугатилиши назарда тутилган.

6.5. Фармон лойиҳасининг 6-бандида “Uzintertrade”нинг устав капитали қуйидаги манбаалар ҳисобидан шакллантирилиши кўзда тутилган:

Экспортни рағбатлантириш агентлигига ҳар йили ажратиладиган маблағлар ҳисобидан – 50 миллиард сўм;

“Ўзбекинвест ЭИСК” акциядорлик жамияти – 3,0 миллион АҚШ доллар;

“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки”, “Ўзсаноатқурилишбанк” ва “Асака” акциядорлик тижорат банкларининг инвестиция компанияларининг ҳар бири – 3,0 миллион АҚШ доллар.

6.6. Фармон лойиҳасининг 7-банди “в” кичик бандида 2020 йилнинг 1 ноябридан бошлаб, экспорт шартномалари бўйича товарни жўнатувчи учинчи шахс бўлган ҳолатларда, экспорт божхона юк декларациясида экспорт

шартномасини тузувчи ва товар жўнатувчи шахслар ўртасида тузилган комиссия шартномасини кўрсатиш амалиёти жорий этилиши назарда тутилган.

III. Рақобатга таъсирнинг таҳлили

7. Хужжатни қабул қилинишининг оқибатлари прогнози

7.1. Фармон лойиҳасининг 1-бандида “Uzintertrade” акциядорлик жамияти шаклидаги ташқи савдо компаниясини ташкил этилиши назарда тутилган.

Таъкидлаш керакки, тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, экспортни ривожлантириш ва унинг салоҳиятини ошириш ҳамда ташқи савдони ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги хузурида Экспортни рағбатлантириш агентлиги ташкил этилган.

Шунингдек, экспорт қилувчи ташкилотларни молиявий қўллаб-қувватлаш, мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт имкониятларини самарали ва барқарор ривожлантиришни таъминлаш, агросаноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва аҳоли учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларга кенг кўламдаги банк-молия хизмат турларини кўрсатиш мақсадида “Ўзагроэкспортбанк” АТБ ташкил этилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 31 декабрдаги ПҚ-2463-сон қарорига асосан:

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, деҳқон ва фермер хўжаликларига уларнинг маҳсулотларини экспорт қилишда самарали ёрдам кўрсатишни таъминлаш мақсадида “Узмарказимпэкс” АЖ ва “Узинтеримпэкс” АЖ ташқи савдо компаниялари негизида “Ўзтрейд” АЖ (собик номи “Ўзтадбиркорэкспорт” АЖ) ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси;

– машинасозлик корхоналарга, металлургия, кимё ва нефт-кимё саноатига, қурилиш маткрияллари саноатига ва бошқа саноат тузилмаларига ўз маҳсулотларини экспортга чиқаришда кўмаклашиш мақсадида “Узпромашимпэкс” АЖ ва “Марказсаноатэкспорт” АЖ негизида “Узсаноатэкспорт” АЖ ташкил этилган.

Ўз навбатида, юқорида қайд этиб ўтилган ташқи савдо компаниялари фаолиятини самарадорлигини таҳлил қилиш ва иқтисодий-молиявий жиҳатдан уларнинг рентабеллигини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Маълумки, давлат томонидан экспорт қилувчи тадбиркорларга барча қулай шароитлар, имкониятлар яратиб берилса, ҳар қандай бюрократик тўсқинликлар бартараф этилса, шунингдек, уларнинг фаолиятига нисбатан тартибга солиш юқини пасайтириб берилса маҳсулот ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектлари ўзлиги ўз маҳсулотларини (хизматларини) экспортга йўналтирилишига интилади ва унинг салоҳиятини оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сонли “Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонининг талабларига кўра, **битта товар бозорида бешта ва ундан ортиқ хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритиб келаётган соҳаларда давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг, шунингдек уларнинг аффилланган шахсларининг хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларининг таъсис этилишига йўл қўйилмайди.**

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармони билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурига асосан иқтисодиётни ривожлантириш ва инвестицияларни фаол жалб этиш соҳасида соғлом рақобат учун зарур шароитларни яратиш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, иқтисодиётда давлат иштирокини жиддий равишда камайтириш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу муносабат билан, давлат иштирокидаги “Uzintertrade” АЖ ташқи савдо компаниясини ташкил этиш **мақсадга мувофиқ эмас.**

7.2. Фармон лойиҳасининг 2-бандида “Uzintertrade” АЖга қуйидаги ҳуқуқлар берилиши кўзда тутилган:

– устав фонди (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар ёки устав фонди (капитали)нинг 50 фоизи ва ундан ортиғи 50 фоиз ва ундан ортиқ микдорда давлат улушига эга юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахслар томонидан ишлаб чиқариладиган юқори ликвидли ва монопол маҳсулотларни экспорт қилиш;

– маҳаллий тадбиркорлик субъектларининг маҳсулотларини, жумладан, товар ҳом-ашё биржасига экспорт қилиш учун қўйилган барча турдаги маҳсулотларни келгусида тўлиқ экспорт қилиш шарти билан хорижий валютада, қўшилган қиймат солиғисиз сотиб олиш.

Ўз навбатида, мазкур ҳолат экспорт билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан тенг бўлмаган ҳолатга олиб келади ва натижасида рақобатни чекланишига сабаб бўлади.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддасида тадбиркорлик фаолияти субъектлари қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш ҳамда ўз фаолияти йўналишларини, товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчиларни ва ўз

товарларининг (ишларининг, хизматларининг) истеъмолчиларини мустақил равишда танлашга ҳақлилиги белгиланган.

Ушбу Қонуннинг 34-моддасига асосан давлат органлари, бошқа ташкилотлар ҳамда уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг амалга ошираётган фаолиятига аралашшига ҳақли эмас.

Давлат органларига, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва бошқа ташкилотларга, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларига битимлар тузиш ҳамда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бошқарув органлари ваколатига тааллуқли бўлган бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш, тадбиркорлик фаолияти субъектларига кўрсатмалар ва бошқа фармойишлар бериш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 354-моддасига асосан фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркиндирлар. Шартнома тузишга мажбур қилишга йўл қўйилмайди. Шартноманинг шартлари тарафларнинг хоҳиши билан белгиланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Товар-хом ашё биржалари фаолияти самарадорлигини ошириш ва биржа савдоси механизмларини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги ПҚ-4484-сон қарорига асосан 2020 йил 1 январдан бошлаб устав фонди (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар ёки устав фонди (капитали)нинг 50 фоизи ва ундан ортиғи 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улушига эга юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахслар томонидан ишлаб чиқариладиган юқори ликвидли ва монополь маҳсулотларнинг бир қисми Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан ўрнатиладиган квоталар бўйича фақат биржа савдолари орқали экспорт қилиниши белгиланган.

Юқоридагиларга асосан, Фармон лойиҳасининг **2-банди тўртинчи ва бешинчи хатбошилари**ни чиқариб ташлаш лозим.

7.3. Фармон лойиҳасининг 3-бандида синов тариқасида 2023 йилнинг 1 январига қадар ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахсларга ўзи етиштирган (ясаган) ёки улгуржи сотиб олган мева-сабзавот (хунармандчилик) маҳсулотлар экспортини (ташқи бозорларда сотиш учун) “Uzintertrade” АЖнинг воситачилик хизматларидан фойдаланган ҳолда ташкил этишга рухсат берилиши назарда тутилган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни 12-моддасига асосан:

давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг шартномалар тузишда устунлик бериш, сотиб олувчиларнинг муайян доирасига товарларни биринчи навбатда реализация қилиш юзасидан кўрсатмалар бериши;

айрим хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни асосиз равишда бериши;

хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятига оқибатда рақобат чекланиши мумкин бўлган тарзда аралашishi;

айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун бошқа камситувчи ёки имтиёзли шартлар (шароитлар) белгилаши тақиқланади.

Шу муносабат билан, Фармон лойиҳасининг **3-банди иккинчи хатбошисини чиқариб ташлаш зарур.**

7.4. Фармон лойиҳасининг 5-бандида “Uztrade” ва “Uzsanoatexport” акциядорлик жамиятларини тугатилиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 59-моддасида жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кириши кўрсатилган.

Шунга кўра, “Uztrade” ва “Uzsanoatexport” акциядорлик жамияти фаолиятларини тугатиш масаласини юқоридаги Қонуни талаблари асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Шу муносабат билан, мазкур масала юзасидан **тегишли бошқарув органларининг розилиги тўғрисида қарорларини олиш зарур ҳисобланади.**

7.5. Фармон лойиҳасининг 6-бандида “Uzintertrade”нинг устав капитали кўйидаги манбаалар ҳисобидан шакллантирилиши кўзда тутилган:

Экспортни рағбатлантириш агентлигига ҳар йили ажратиладиган маблағлар ҳисобидан – 50 миллиард сўм;

“Ўзбекинвест ЭИСК” акциядорлик жамияти – 3,0 миллион АҚШ доллар;

“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки”, “Ўзсаноатқурилишбанк” ва “Асака” акциядорлик тижорат банкларининг инвестиция компанияларининг ҳар бири – 3,0 миллион АҚШ доллар.

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 34-моддасига мувофиқ давлат органларига, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва бошқа ташкилотларга, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларига тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бошқарув органлари ваколатига тааллуқли бўлган бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш, тадбиркорлик фаолияти субъектларига кўрсатмалар ва бошқа фармойишлар бериш тақиқланади.

Шунингдек, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 111-моддасига асосан жамиятнинг

хўжалик фаолиятига ва бошқа фаолиятига давлат органларининг аралашувиغا йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ банклар бевосита ишлаб чиқариш, савдо, суғурта фаолияти ҳамда банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа фаолият билан шуғулланишга ҳақли эмас.

Банкларга юридик шахсларни ташкил этиш ва (ёки) юридик шахсларнинг устав фондларидаги (устав капиталларидаги) улушларни ёки акцияларни олиш тақиқланади.

Мазкур Қонуннинг 8-моддасига асосан банклар молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ қарорлар қабул қилишда мустақилдир. Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларига банклар фаолиятига, шу жумладан банкларнинг кредит портфелини ва активларини шакллантириш билан боғлиқ тадбиркорлик таваккалчиликларини бошқаришга, шунингдек банкнинг маблағлари ҳисобидан турли хил тўловлар ва бадаллар талаб қилиш тақиқланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги қарорининг 7-бандига мувофиқ вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари томонидан банкларнинг, шу жумладан кредит портфели ва банк активларини шакллантириш билан боғлиқ тадбиркорлик таваккалчиликларини бошқариш фаолиятига аралашиб таъқиқланганлиги белгиланган.

Юқоридагиларга асосан, мазкур Фармон лойиҳасининг **6-бандидаги масала юзасидан тегишли суғурта компанияси ва тижорат банклари бошқарув органларининг розилигини олиш лозим ҳисобланади.**

7.6. Фармон лойиҳасининг 7-банди “в” кичик бандида 2020 йилнинг 1 ноябридан бошлаб, экспорт шартномалари бўйича товарни жўнатувчи учинчи шахс бўлган ҳолатларда, экспорт божхона юк декларациясида экспорт шартномасини тузувчи ва товар жўнатувчи шахслар ўртасида тузилган комиссия шартномасини кўрсатиш амалиёти жорий этилиши назарда тутилган.

Ушбу амалиёти жорий этилиши шахсларнинг аралашуви ва экспорт қилинадиган маҳсулоти нархининг ошишига олиб келади. Шунга кўра, мазкур **банднинг “в” кичик бандини чиқариб ташлаш зарур.**

IV. ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Uzintertrade” акциядорлик жамияти шаклидаги ташқи савдо компаниясини ташкил этилиши ҳамда Фармон лойиҳасини тақдим этилган таҳрирда қабул қилиниши мақсадга мувофиқ эмас.